



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН —
КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Машғулотлар самараси фаолиятда акс этади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига доир қонунлар ва қонуности ҳужжатларида белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда фуқаролар йиғинларига услубий, амалий жиҳатдан кўмаклашиш «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий тузилмалари зиммасидаги долзарб вазифалардандир.

■ Баҳодир ЮНУСОВ,
«Маҳалла зиёси»
республика ўқув-услубий
маркази директори.

Шу боис тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг 24 март — 2 апрель кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Фонд ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий билимларини янада мустаҳкамлаш, бошқарув маҳорати, малакасини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинарлари юқори савия-

да ташкил этилди. Ўқув-семинарларида Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимларидан 971 нафарининг иштироки таъминланди. Машғулотлар белгиланган ҳафва ососида ташкил қилинди. Мавзулар бўйича маърузачилар тўлиқ иштирок этишди. Ҳар бир маъруза юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, таклиф-мулоҳазалар қайд этиб борилди.

Икки кун қисқа фурсат, албатта. Лекин шу вақт мобайнида тингловчилар Фонд ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир жуда кўплаб маълумотларга эга бўлишди, дейиш учун асослар етarli. Негаки, семинарларда соҳага доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ўз таклифлари билан иштирок этган мутахассислар қатнашдилар.



■ И.АЙДИРОВ олинган сурат.

СЕМИНАР

Мустаҳкам ҳамкорлик — барқарорлик омили

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғинида маҳаллаларда диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга доир семинар ўтказилди.

■ Иброҳим БЕК
«Mahalla»

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг қўша қарори асосида ташкил этилган мазкур тадбирда отинийларнинг диний экстремистик ва миссионерликка қарши кура-

шиш кўникмаларини янада кучайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, семинарда мамлакатимизда диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга доир тадбирлар тизимли ташкил этилаётгани туфайли турли динга мансуб, борча миллат вакиллари бир оила оъзоларидек инोकликда яшаётгани эътироф этилди.

> [2]

ИСТИҚДОЛ БЕРГАН ИМКОН



Озод юртда яшамок бахти

Мен бир сўзни такрор-такрор айтаман ва унинг мазмун-моҳиятини дилдан ҳис этаман: мен бахтлиман. Эҳтимол, баъзилар бахтни теран англаш учун инсоннинг ёши ҳам, ҳаёт тажрибаси ҳам бой бўлиши керак, дер. Менинг ёшим эса мустақилликка тенгдош.

■ Маъмура ЁҚУБОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори.

«Бахт» тушунчасини ҳар ким ҳар хил тушуна-да, унга эришиш йўлларида ён-атрофдагиларнинг ғамхўрлиги, тўғри йўлга бошлаши, ўзлари ибрат бўла олиши муҳимдир. Мен ана шундай меҳрибонлик остида, мукаммал шорт-шаро-

итларда таълим-тарбия олаётган ёш авлод вақиласиман. Мени руҳлантираётган яна бир омил — ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янгича мезонлари ишлаб чиқилаётгани, ҳуқуқий асослари такомиллаштирилаётгани.

Президентимизнинг жорий йилнинг 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда юксак маъна-

виятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг изчил давом эттирилаётганидан далолатдир. Мазкур қарорга илова тарикасида «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг ҳаётимизга жорий этилиши ёш авлоднинг озу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларига кенг ўрин беришда муҳим асосдир.

> [2]

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Парваришда меҳр бўлса, тошда ҳам гул унади

Гуллар — табиатнинг гўзал ва бетакрор мўъжизаси. Уларнинг ранг-баранглигидан кўз яшнаса, ифорида қалбларда ёқимли ҳислар жўш уради. Она диёримизнинг наботот олами жуда бой.



■ Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Қарангки, қир-адирлар, тоғ ёнбағирлари, воҳаю водийларда, ҳатто саҳроларда ҳам гуллар униб-ўсади. Уларнинг бўй-ишлари каби тури ҳам хилма-хил. Аммо юртимизда шундай хонадонлар борки, уларда дунёнинг турли минтақаларидан келтирилган ва турфа иқлим шароитига хос гуллар парваришланади.

Турфа онвойи гуллар жам бўлган бундай манзарани пойтахтимизнинг «Сарикўл» маҳалласида истиқомат қиладиган Мақсуд Алимбековнинг кафтдекки-на ховлисидан учратасиз. Хонадон соҳиби дунё ажойиботлари — турфа гул-ғиёҳларни парваришлашнинг ҳадисини олганлардан. У йўлга қўйган янгиликка кўпчилик маҳалладошлар ҳам иштиёқманд.

> [3]

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

Тингловчиларга сертификатлар топширилди

Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти биносида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-курслари тингловчиларига сертификатлар топширилди.

■ Матлуба МАМАДАЛИЕВА,
Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари
ходимларининг малакасини
ошириш бўйича Тошкент вилояти
ўқув-курслари бўлим бошлиғи.

Машғулотлар давомида тингловчилар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъалатчилари сайлови тўғрисида»,

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Диний ташкилотлар ва виждон эркинлиги тўғрисида»ги ва соҳага доир бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан тўлиқ хабардор бўлдилар.

Курсларда тингловчиларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари олдида турган долзарб вазифалар, хусусан, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувват-

лаш, табиат муҳофазасини ташкил этиш каби йўналишларда мутахассислар томонидан тавсиялар берилди.

Ўқувларда гуруҳ етакчиси сифатида фаоллик кўрсатиб, намунали ҳуқуқ, илгор тажрибалари билан ўрнатилган раисларга, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъалатчиси, масъул котиб ва посбонларга сертификатлар билан бирга, «Ташаккурнома», «Мақтов ёрлиқ»лари ҳам топширилди.

Амалий машғулотларда «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида қўшна тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларимиз ҳақида тингловчилар ўртасида танлов ўтказилиб, «Энг фаол ва ташаббускор тингловчи» номинатсияси бўйича ғолиблар аниқланди.

Тақдирот якунида тингловчиларга «Виждон» номли бадий фильм намойиш этилди.

Оилавий спорт — соғлом ва обод турмуш омили

Элликка ҳам кирмаган аммам соғлигидан шикоят қилиб Тошкентга келди. Ранги бир ҳол. Ўғли ва келини икки қўлидан ушлаб олган.

Шифохонада тиббий текширувларга буюришди. Текширув натижалари чиққач, хавфли касаллик бўлса керак, деган ўйда шифокорнинг ёнига кирдим.

■ Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

— Гиподинамия, — деди врач. — Бу аспида касаллик эмас, балки иллатдир. XXI аср иллоти. Қамҳаракатлик оқибатида қон айланиши, та-янч-ҳаракат тизими, овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органлари фаолиятининг бузилиши.

— Буни доволаш учун нима қилиш керак?

— Кўпроқ юриш, ҳаракат қилиш керак...

Аммам ўзига тўқ хонадондан. Ўғилларининг ҳар бирида машина. Қаерга боради деса, хизматга шай. Келин туширгандан кейин уй-рўзгор ишлари, бозор-ўчардан ҳам қўли бўшаган.

> [4]

ФОНД КЎМАГИДА

Қулай меҳнат шароити доимий эътиборда

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита аҳоли билан ишлайдиган етакчи тузилмага айланган. Маҳаллалар фаолиятини тизимли ташкил этиш, қонунийликда белгиланган вазифаларининг бекаму кўст бажарилишида уларга услубий кўмаклашиш Фонд бўлинмалари зиммасида.



■ Рустам БЕКТЕМИРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат
фонди Гулистон шаҳар
бўлиммаси раиси.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 17 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг 3 таси кишлоқ ва 14 таси маҳалла фуқаролар йиғинидир. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар учун қўлай меҳнат шароити яратиш бўлимининг доимий эътиборида.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлинма томонидан шаҳардаги 6 та маҳаллага 6 миллион 500 минг сўмлик компьютер жамланмаси, 4 тасига 2 миллион 600 минг сўмлик мебель жиҳозлари тақдим этилди. 16 та маҳалланинг бинолари жорий таъмирланди. Дўстлик кишлоқ фуқаролар йиғини биносини капитал таъмирлаш учун бўлинма томонидан 10 миллион сўм маблағ ажратилди.

Фонд кўмагида маҳаллаларга услубий ва амалий ёрдам ҳам кўрсатиб келинаётди. Фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида мунтазам ташкил этилаётган турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида ҳам йиғинлар қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, Фонд мутасаддилари ҳамда йиғин фаоллари сазой-ҳаракати билан «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи», «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъалатчи», «Энг обод маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг обод кўча» каби кўрик-танловлар юқори совияда ташкил этилди. «Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзусидаги кўрик-танловнинг ҳудудий босқичида Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласи ғолибликни қўлга киритди.

«Намунали маҳалла» дастури доирасида Ўсмон Юсупов номидаги маҳалла намунали йиғинлар рўйхатида киритилгани изчил сазой-ҳаракатлар натижаси, албатта.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Наврўз байрами арафасида ушбу фуқаролар йиғинида болалар майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Спорт майдончасини барпо этиш учун қарийб 5 миллион сўм маблағ сарфланди. Қувонарлиси, болалар спортини ривожлантириш жағмармаси томонидан ушбу маскан замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ҳозирда маҳалла ҳудудида 4 та болалар майдончаси фаолият кўрсатмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Гулистон шаҳар бўлиминис томонидан амалга оширилаётган бу каби хайрли ишлар аҳоли турмушини янада фаровонлаштириш билан бирга, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди.



КЎРИК-ТАНЛОВ

Ибратли қайнона — хонадон кўрки

Одатда бирор хонадонга меҳмонга борганда осто-нада бизни қарши олган беканинг тутумига қараб оила аҳволидан хабардор бўламиз. Агар аёл оқила ва зари-фа бўлса, хонадон обод ва кўркем қиёфа касб этади.

■ Феруза ОРИПОВА.

Яқинда Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида- ги «Ўқчи» маҳалласида «Энг намунали қайнона» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда маҳалладаги оилалар соҳибалари — ибратли қай-ноналар учта шарт бўйича беллашдилар. Дастлаб улар оилада қайнонанинг бурчи ва масъулияти, оила фаровонли- ги, келин билан муомала одо- би, набираларга ибратли му- носабати ҳақидаги фикр-муло- ҳазаларини баён қилдилар. «Савол-жавоб» шартига кўра, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, одоб-ахлоқ ва маънавиятга доир шахсий мулоҳазаларини билдирдилар. «Эркин мавзу» шартида қатнашчилар ўзлари тайёр- лаган бадий чиқиш ва сах- на кўринишларини тақдим этишди. Уларнинг чиқишлари- ни Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, ма-

ҳалла фаол аёлларидан ибо- рат нуфузли ҳакамлар ҳайъ- ати ҳолис баҳолаб борди. — Кўрик-танловни ўтқа- зишдан мақсад, аввало, оила- лар мустаҳкамлигини таъмин- лашдан иборатдир, — дейди ийғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ма- салалари бўйича маслаҳатчи- си Дилором Файзиева. — Шубҳасиз, бу масалада қай- нонанинг келинига бўлган му- носабати ҳам муҳим ўрин ту- тади. Афсуски, ақсариyat оила- вий ажримлар қайнона-келин- нинг бир-бирига бўлган муо- малаларига боғлиқ бўлиб қол- моқда. Маҳалламизда оила- вий ажримлар йўқ, шундай бўлса-да, бу борада хотиржам- лика берилиб бўлмайди. Иб- ратта муносиб хонадон ваки- лаларининг тажрибалари ёш- ларга ҳар жиҳатдан асқота- ди, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади. «Энг намунали қайнона» кў- рик-танлови натижаларига кўра гоилиблар аниқланди ва уларга эсдалик совғалари топширилди.

Оилавий спорт — соғлом ва обод турмуш омили



Суратда: Наманган шаҳридаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, олий тоифали мураббий Тоҳиржон Сатимов фарзандлари Шох-жаҳон ва Шохназар билан.

< [1]

Кўпчилик аёллар сингари аммам ҳам бундай тўқинлик ва фаровонлик, иззат- икромдан қунумли» фойдаланган. Ҳеч иш қилмасдан, овқини узатиб ўтировверган. Бора-бора қон қуюқлашган, суюқ мўртлашган, ошқозон бузилган.

Президентиимиз Ислам Каримов раҳ- номалигида мамлакатимизда спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзи- ни кенг қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлардан мақ- сад аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олишдир. Бу- нинг аҳамиятини тушулган, ўз соғлиги учун қайғурган одамлар жисмоний тар- биани ҳаёт тарзига айлантирмоқда. Бар- ча шахару қишлоқларимизда бунёд этилган замонавий спорт мажмуалари- да шуғулланиш, саломатлигини мустаҳ- камламоқда.

Лекин ҳақнинг қизқиши, шароити ҳар хил. Спорт билан шуғулланишга би- ровда вақт, яна бировда қўл етишмайди. Бозилар эринида, айримлар ийманди. Бундай инсонлар учун уй шароити- да спорт билан шуғулланиш қўл кела- ди. Масалан, бадантарбия машғулот- лари борча ёшдаги инсонлар учун мос ва фойдалидир.

Улғу бобоқалонимиз Абу Али ибн Сино «Тиб қўрунлари» китобида бу ҳақда шундай ёзди: «Соғлиқни сақлашнинг асо- сий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат тадбири ва уйку тадбиридир. Мўътадил равишда ва ўз вақтида ба-

дантарбия билан шуғулланувчи одам бу- зилган хиллар, мижоз ҳамда аввалги хас- таликлар туфайли келувчи касалликлар- нинг давосига муҳтож бўлмайди».

Бу тавсияга бутун дунё риоя қилади, десак ҳақ бўлмайди. Ёшунгексалар, ай- никса, аёллар эрталлабки бадантарбияни қанда қилмайди. Аммо буюқ табибнинг ворислари бўлган биз бу қандага кўп ҳам риоя қилавермаймиз. Ваҳоланки, за- монавий тиббиётда ҳам бадантарбия- га алоҳида эътибор қаратилади. Ай- рим касалликлар жисмоний машқлар орқали доволанади.

— Жисмоний фаоллик ёшлар учун ҳам, катталар учун ҳам бирдек муҳим, — дейди Республика ихтисослаштирил- ган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳме- дова. — Бу болаларнинг ҳар томонлама муносиб ривожланишига ёрдам бе- ради, танасини чиниқтиради, фикрлаш қобилиятини ўстиради. Урта ёшли ва кекса инсонлар учун муҳим жиҳати, жи- соний машқлар орқали юрак фаоли- яти, қон айланиши яхшиланади, бўғин- лар ва мускуллар мустаҳкамланади, организмда ортқича ёлпар ва тромб- лар пайдо бўлишининг олди олинади. Биз болаларни соғломлаштиришда ба- дантарбиядан кенг фойдаланамиз. Уларнинг ота-оналарига ҳам спорт би- лан шуғулланишни тавсия қиламиз.

Спорт инсоннинг нофакат саломат- лигига, балки руҳиятига, қайфиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ҳаёт сифа- тини янада оширади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Infin BANK

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАГА МАҚСАДЛИ КРЕДИТЛАР

Юртимиздаги тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги улу- ши, энг самарадор бўгин — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривож- лантиришга қўшаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бораёттир. «Invest Finance Bank» хусусий очик акциядорлик тижорат банки ўтган давр мобайнида йирик корпоратив мижозларга, кичик бизнес субъектлари ва аҳолига кенг қўламли банк хизматларини кўрсатишга эришди.

■ Мафтуна АҲМЕДОВА.

Жумладан, «Invest Finance Bank» ХОАТБ иқтисодиётнинг реал сек- торини қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий аҳамиятга эга бир қатор йирик лойиҳаларнинг амалга оширилишида кре- дитлар ажратиб орқали фаол иштирок этди. Кичик бизнес субъектлари фаолиятига қатта аҳамият қаратаётган банк соҳа ри- вожига сезиларли ҳисса қўшаёттир.

Таъкидлаш жоизки, «Invest Finance Bank» ХОАТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, жумладан, аёллар тадбир- корлигини, оилавий тадбиркорлик ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳ-

камаси қарорлари ҳамда Марказий банк- нинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида бел- гиланган устувор вазифалар ижросининг ўз вақтида тўла-тўқис таъминланиши учун аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Обод турмуш йилида ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотик, сервис ва хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа тармоқларга жами 145,7 миллиард сўм миқ- дориди банк кредит маблағлари ажратил- ди. Ўшбу маблағлар жойларда янги ишлаб чиқариш корхоналари очиб, аҳолига си- фатли мошйиш хизмат кўрсатиш қўламининг кенгайиши ва ёшларнинг бандлигини таъ- минлашга сарфланди.

Банкнинг молиявий қўмағида сармояси- ни шакллантириб, айна пайтда муваффақи- ятли иш юритаётган тадбиркорларнинг бу борадаги фикрлари билан қизикдик.

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаро- лик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

25035 нусхда чоп этилди. Буюртма J-9586



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова Навбатчи: Ю.Ҳожиёва Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.



Зилзила такрорланди

Чили соҳилларида ер силкинди.



«Reuters» тарқатган ха- барга кўра, зилзила мар- кази Икике шаҳридан 19 км. жанубда, 20 км. чуқур- ликда кузатилган. Вайро- на ва жабрланганлар тўғриси- да маълумотлар йўқ. Сейс-

мологларнинг қайд қилиш- ларича, 7,8 балли ер сил- киниши ҳеч қандай йирик тўфонларни келтириб чи- қармаган.

Илгарироқ содир бўл- ган 8,2 балл қучланишдаги зилзила оқибатида бир миллионга яқин киши кўчи- рилганди. Силкиниш нати- жасида баландлиги икки метрга тенг тўфон юз бер- ганди. Табиий офат оқиб- атида 6 киши ҳаётдан кўз юмган, қўшни Перуда эса 9 нафар одам жароҳатлан- ган. 2600 тага яқин уй вай- ронога айланган.

Университет яқинидаги хунрезлик

Миср пойтахтида содир этилган давомли террор-чилик ҳуружлари учун жавобгарликни «Агнад Маср» гуруҳи ўз зиммасига олди.



Иккита қўлбола портлов- чи мослама унча узоқ бўлмаган вақт фарқи билан Қоҳира университетининг муҳандислик факультети би-

носи қаршисидаги Ан-Нахд майдонида портлатилган. Оқибатда пойтахтдаги по- лиция бўлими масъул ходи- ми ҳалок бўлган. Беш на- фар жабрланган шахс ора- сида ички ишлар вазири- нинг маслаҳатчиси ҳам бор.

Кейинроқ сапёрлар маз- кур худуд яқинида дарахтга маҳкамланган яна бир бом- бачи зарарсизлантиришган.

Маълумотларга кўра, «А- над Маср» гуруҳи бевосита «Мусулмон биродарлар» гу- руҳи билан алоқадор.

Синдром панд берди

АҚШнинг Техас штатидаги Форт-Худ ҳарбий ба- засидаги отишма оқибатида уч ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган, 16 нафари турли даражада яраланган.



«Reuters» тарқатган ха- барга кўра, отишма Иван Лопес томонидан «ташқил этилган». 2011 йилда Ироқ- даги жанглардан қайтган бу хизматчи «Ироқ синдро-

ми» деб аталувчи руҳий хас- талик таъсиши қўйилганди.

Ҳарбий тиббий марказ яқинидаги ҳудудда 15-20 дақиқа ичида тўппончадан 20 тақа ўқ узғач, у ўзини ҳам бошидан отган. Жара- ҳатланганлар зудлик билан шифохонага етказилган, улардан тўрт нафарининг аҳволи оғир.

2009 йилда мазкур ба- зада ҳарбий врач-психиатр Нидал Ҳасан томонидан со- дир этилган худди шундай отишма оқибатида 13 киши ҳаётдан кўз юмган, 32 на- фар ҳарбий яраланган эди.

■ Интернет материаллари асосида М.ЖЎРАҚУЛОВ тайёрлади.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаро- лик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

25035 нусхда чоп этилди. Буюртма J-9586



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова Навбатчи: Ю.Ҳожиёва Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰

сўз билан айтганда, маҳал-
кўрам ва ободлиги кўнгли
лигул инсонларнинг уюшқок-
мжиҳатлиги туфайли амалга
о.

Парваришда меҳр бўлса,
тошда ҳам гул унади

■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Билим ва малака масъулиятли вазифада асқотади

■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Хуллас, тadbиркор ва ишбилармонлар учун яратилган кулай имкониятлар, солиқ инспекцияси ҳамда маҳалла фуқоролар йиғинлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтираётди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, кoсoнaчилик, хунoмандчилик, чoрвачилик, парoндaчилик ва бошқа тadbиркoрлардaн самoрaли oқилона фoйдaлaниш, маҳaллaлардa ишбилармонлик муҳитини янaдa яхшилашга хизмат қилmoқдa.

Дарҳақиқат, Алимбековларнинг ҳов-ро
лиси ботаника боғларини эслатади. ла
Ҳатто дарахтда очилган лолани ҳам шу ит

Ширинликлар эл дастурхонида

■ **Мухбиримиз.**

Тадбиркор келгусида корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириб, фаолият турини кўпайтиришни мақсад қилган.

Фаоллр хуудда оилавий тадбир-корликни ривожлантириш, кўшимча даромад манбаларини яратишга кўмаклашиш, томорқаларида шахар шароитида ҳам ердан унумли фойдаланиш



Лочин кўчаси 18-уйда яшовчи С. Собор Кудратова маҳалла гузарига келиб «Ўзгаллик саломи» очинди Ҳ. Ғаффоровнинг фаоллари кўмагидан фойдаланди. — Ўшшоқ Собиев иктисодчи бўлиб, ни боис ишбилармонларни хар доим қўллаб-қувватлайди, — дейди С. Кудратова. — Ўтган уч ой мобайни, маҳалламизда савдо ва маийш хизмати кўрсатиш шохобчалари сони а

Бундаги савий-ҳаракатлар кутилган натижаларни тўхфа этиши тайин. Жумладан, Шахло Ҳолиқовга аҳолига савдо-хизматни тақдим этишга бел боғлади. Натижада нафақат аҳолининг оғири енгиллашди, балки 4 нафюр киши ҳам иш билан банд бўлди. Гулбохор Исломовнинг қўлигүл чеворлиги маҳалла аҳли ҳоҳатини чиқаришдан ташқари, қизларни парда, бисер, қашта, бешки анжомлори тикишга ўргатишга қўл келди. Қисқаси, «Сарикўл»даги юксалишлар, тadbиркорлиқнинг тобора кенг қанот ёзаётгани кишини руҳлантириди.

Ўт балоси уйингизни
ораламасин

НИҒМОН НИЗОМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия
билдиради.

боис мевa ғўраларини шохи-
даёқ сийраклаштиряпмиз, бу
ҳосилнинг сифатли бўлишини
таъминлайди.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, сувни минерал ўқитлар билан тўйинтирган ҳолда томчилатиб суғориш нафақат тежамкорлик, балки ҳосилдорлик гуноҳи ҳам экан. «Бунда 60 фоиз сув иқтисод қилинади ва 85 фоиз озуқа илғизгача етиб боради, — дейди у изох бериб. — Греция навли шафтолининг илдизи 40 сантиметр, таллағи еримизга жуда мос. Икки соатда намлик кўчатнинг томирғичга бориб етади».

— Маҳалламизда шундай катта боғ яратилганидан хурсандмиз, — дея суҳбатимизга қўшилади «Жарма» маҳалласи раиси Суннат Қўқоров. — Боғнинг барпо этилиши янги ишчи ўринлари яратилишига, маҳалладошларимизни иш билан таъминлашга омил бўлди.

Ҳа, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу — одамларнинг ўз ҳаётидан, ишидан мамнунлигига эришиш. Узоқ йиллар ястаниб ётган чўл бағрида метавор боғ яратиш эса чинакам бунёдкорлик намунасидир.